

**ТАРИХНИ АНГЛАШДА “ЖАҲОН АДАБИЁТИ”  
ЖУРНАЛИНИНГ ЎРНИ.  
(ЖУРНАЛДАГИ ДРАМАЛАР МИСОЛИДА  
1991-2017-ЙИЛЛАР)**

**Қўзибоева Лолахон Саидрасул қизи  
Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат  
Ўзбек тили ва Адабиёти Университети  
Ўзбек адабиёти 10.00.02 ихтисослиги бўйича  
I босқич Таянч докторанти  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7111620>**

Умумбашар бадий адабиёти ҳазинасига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган ўзбек адабиётида тарихий мавзудаги асарлар сони кўпайиб бормоқда. Ҳозирги давр ўзбек драмаси воқеликларнинг бутун мураккаблиги билан қамраб олиши, ва уни ўз тилида етказиб бериши, ўз йўналиши ва зиддиятларда акс эттириши билан янги ҳарактер касб эта олди десак муболаға бўлмайди. Энг муҳими унда драматик руҳият тасвири билан биргаликда ҳарактер тасвири синтезлашади. Толстой санъат ҳақида шундай фикрларни айтганди<sup>1</sup>: Ҳар қандай санъат асарининг фазилатлари учта ҳусусият билан белгиланади.

-асарнинг мазмуни билан: мазмун қанчалик салмоқли бўлса, яъни одамлар ҳаёти учун муҳим бўлса, асар шунча юксак бўлади;

-ташқи гўзаллиги билан: бунга санъат жинсига мос келадиган маҳорат орқали эришилади. Масалан, драматик санъатда маҳорат деганимиз қуйидагилардан таркиб топади: шахслар ҳарактерига мос келадиган аниқ тил, табиий ва айни чоғда таъсирчан тугун, саҳналарни тўғри тақсимлаш, тасвирланаётган ҳамма нарсада меъёр туйғусини тўғри намоён қилиш;

-самимият билан, яъни муаллиф тасвирланаётган нарсасини ўзи жонли тарзда ҳис қила билиши билан. Бу шартларсиз ҳар қандай санъат асарини қабул қилаётган одамга муаллиф туйғусини юқтиришдан иборатдир.

Бадий асар таҳлилида ҳамиша суяниладиган тамойиллардан яна бири тарихийликдир. Гарчи бадий асарга тарихнинг образга кўчирилган иллюстрацияси ёхуд унинг шунчаки эстетик инъикоси деб қараш мутлақо нотўғри бўлсада, ҳар қандай адабий асарнинг муайян замонда, муайян тарихий шароитда, конкрет вақтда яшаб ўтган ёхуд яшаётган одам томонидан яратилган ва унда акс эттирилган воқеаларгина эмас, балки руҳий ҳолат манзараларида ҳам ўша тарихий даврнинг тамғаси борлиги ёдда тутилиши лозим. Бинобарин, таҳлилга тортилган ҳар қандай

<sup>1</sup> Толстой Л.Н Шекспир ва драма тўғрисида (Танқидий очерк). Рус тилидан О. Шарафиддинов тарж. Жаҳон адабиёти. 1998. 12 сон 149-162 б

бадий асарнинг яратилган даврини билмай ва уни ҳисобга олмай туриб, адабий яратилган чуқур ўрганиш, теран таҳлил этиш ва ҳаққоний хулосага келишнинг имкони йўқ. Ўрганилаётган асарга тарихийлик нуқтаи назаридан ёндашилмаса, қаҳрамонлар руҳий ҳолатини ҳам, уларни фаолиятга ундаган сабабларни ҳам янглиш тушуниш ва изоҳлаш мумкин. Шунинг учун ҳам адабиётшунос олим Ю. Борев: “Тарихийлик асосий талқиний кўрсаткич сифатида танқидий таҳлилга хос барча ёндашув ва усуллар, амалга оширилаётган барча тадбирлар, уни марказлаштириш ва тизимга солишга қаратилган барча уринишлардаги ёндашув ва йўналишларни тайин қилади”<sup>2</sup>, - деб қайд этади. Таъкидлаш жоизки, бу жараёнда эпик, лирик, драматик асарларда тасвир унсурлари табиий, жозибадор, бетакрор уйғунлашиб келиши ва ҳарактерлар ички оламини янада кенгроқ, чуқурроқ, таҳлил қилишга чорлайди.

Бугунги кун матбуотида драма мавзуларини бемалол ранг-баранг дея олишимиз мумкин. “Жаҳон адабиёти” журналида 1997-2017-йилгача бўлган драматик асарларнинг мавзу кўлами жуда кенг. Хос оммо учун бу жуда катта мукофотдир. Драмаларнинг турли миллат тилларидан таржима қилинаётганлиги, таржима соҳасининг ҳам кенг кўламда ривожланиб бораётганлигидан далолат.

Шундай бўлса-да, “Жаҳон адабиёти” журналидаги тарихий мавзуда берилган драмаларнинг ғоявий-мазмуний жиҳатдан қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- тарихий шахслар феноменини<sup>3</sup> англатиш.
- тарихий муҳитнинг мавзуга кўчиши.

Абдулманнон ал-Мажидий Уйғур драматурги **“Туркистон табиби” бир пардали хажвий драмаси** – ўша давр муҳитини бир табиб мисолида кўрсатмоқчи бўлган. Билимсиз табиблар ёлғон гапириб халқнинг соддалигидан фойдаланишган. Барча касалликларга бир хил дори тайёрлатган. Охир оқибатида ўзининг шогирди орқали фош қилинган. Даврнинг чиркин кўринишларини бир “табиб” шахсиятида очиб бера олган. (1997-йил 7-сониди). Амир Темур шахсиятини ўрганиш бугунги авлодга у кўрсатган жасорат ва ирода кучини англатиш тарихий асарлар билан биргаликда драматик асарларда ҳам ўқувчига ҳавола этилмоқда. Ҳусайн Жовиднинг беш пардали **“Амир Темур” драмасида** – икки тарихий шахсни бадий талқин қилар экан, уларга ҳаққоний баҳо беради.

<sup>2</sup> Қ. Йўлдош ва М. Йўлдошева. Бадий таҳлил асослари Тошкент. 2016. 186

<sup>3</sup> “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Т.:2008. 4-жилд 3396

Боязиднинг димоғдорлиги, Амир Темурни менсимаслигини Жўжа, Шайх Бухорий образлари орқали фош қилар экан, Амир Темурнинг тадбиркор, туркий халқлар бирлиги учун курашувчи, исломга эътиқоди баланд сиймо эканлигини, мамлакат ободончилигига катта эътибор берган, тижорат ва санъатни, маънавиятни тенг кўрган инсон эканлигини меҳр билан тасвирлайди. (1998-йил 1-сонда). Хусайн Жовиднинг “Шайх Санъон” (2012-йил 10-11 сонларида) драмасига қадимий араб ривояти асос қилиб олинган. Хусайн Жовид ана шу ривоятни том маънода драматик асарга хос тарзида жонлантириб бера олган. У воқеани аниқ бир мамлакат Гуржистонда тасвирлайди. Асарда шайхлар, муридлар, Маккада Шайх Саънонни севиб қолган Захро, жаҳонгашта дарвиш, кўзи ожиз йўловчилар, Гуржистонда яшовчи туркий халқлар, вакиллари, тарсо қиз, (Хумор), унинг отаси, бу қизга ошиқ бўлган гуржи йигити, насроний динининг пешвоси бўлган поп ва бошқа қаҳрамонлар, персонажлар иштирок этишади. Драмада англашиладиган икки маъно: абадий ишқ муаммоси ва илоҳий ишқга етиш йўлидаги машаққатларга бардошлилик. Муаллиф ривоятни асосий маъно сифатида қўйсада асарда қўшимча персонажлар киритиб маънони янада бойитган. Мухуммад Алининг “Навоий ва Байқаро” (2016-йил 9-10-11 сонларида) тарихий драмаси Навоийнинг буюк таърифини шаҳоншоҳ Хусайн Байқаро тилидан тасвирланишини қуйидаги мисралардан англашимиз мумкин:

**Бойқаро:** Аҳсан-аҳсан... Сўз демакка ожизмен, ожиз,

Фақат лолмен, лол қолгандек Куръондан ҳофиз...

Парвардигор илҳомини тўкиб солибдур,

Жумла жаҳон, еру осмон ҳайрон қолибдур.

**Бойқаро:** Шоир эрур сўз мулкининг кишваристони,

Қаю кишваристон, балки Хисравнишони.

Демагил Хисравнишонким, рост қаҳрамони,

Мақбул бўлгай магар десанг Соҳибқирони!

Шоҳ ва Шоир ўртасидаги абадий дўстлик ва илоҳий яқинлигини ёзувчи ўз асарида гавдалантирган. Сотим Улуғзоданинг “Рудакий” (2017-йил 3-сонда) тарихий драмасини адиб Форс шеърляти асосчиларидан бўлган асл исми Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий шахсиятини драма жанрида жуда гўзал таърифлаган. Драмадан шундай фикрлар англашиладики, Рудакий ҳаётнинг ўзини биринчи устод сифатида таърифлайди. Буни ёзувчи драмада қуйидагича таъкидлайди ва бу бизнинг йўлимизни ёритувчи машъалимиздир.

**Рўдакий:** Барча мамлакатларнинг оқиллари ҳамма тилларда ҳаётни ўрганиб, уни азиз тутиб, ҳаёт билимини зарра-зарра жам этиб, дарахтларнинг барг ва пўстлоқларига битганлар. Чармга, тошларга нақш этганлар ва ниҳоят китобат қилганлар. Тоқим кишилар ўрганиб чиқсунлар, ўғит олсунлар деб. Мен ҳаёт билимини, турмуш ўғитини шарафлаймен.

Ёзинг, Маж!

**Рўдакий :**То жаҳон буд аз сари мардум фароз...

Одамдан юқори тураркан олам,

Билим оширмоққа муҳтождур одам.

Ақлли кишилар ҳар қайси тилда

Ҳар қандай замонда, ҳар қайси хилда

Билимларни тўплаб, ҳурмат этдилар,

Тошларга нақш этиб, битиб кетдилар:

“Одамлар қалбининг чироғи билим,

Ёмондан сақланиш яроғи билим.

Ҳар киши олмаса ҳаётдан таълим,

Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим”

Мана шу билан менинг достоним поёнига етди... Маж... Улар...

Мусодара қилдиларми?

**Маж:** Ҳамма нарсани олиб кетдилар, ҳеч нарса қолмади.

**Рўдакий** (қаттиқ тоқатсизланиб). Нима? Китобларниямми?

**Маж.** Китобларингиз қолди, ҳаммаси олдингизда.

**Рўдакий** (китобларни пайпаслаб ушлаб, тинчланади, кулади). Эшак мунчоқни олиб кетибди, дурлар қолибдур. Йўқ! Бу жаҳолат! Сувга чизилган нақш! Мен бечора эмасмен (китобларни пайпаслаб ушлайди). Бу менинг тўплаган бойлигим, безавол хазинам! Рўдакий ғазалиёти. Рўдакий қасидалари. Рўдакий рубойлари. Рўдакий “Панднома”си. Рўдакийнинг “Калила ва Димна”си. Бу менинг ному нишонимдур. Менинг мангу ҳаётимдур. Мен буларнинг ҳаммасини кишиларга, мени севган ва севувчи кишиларга армуғон этамен. Мен кимсасизменми? Йўқ. Жафокаш халқим бор, унинг қалби менинг уйим, маконим. Ҳасса келтиринг, мен ўз маконимга – халқимга борамен!..

Ана шундай халқини севувчи буюк қалб эгаларини англамаслик уларнинг меросини ўзлаштирмаслик “Миллатимиз қуёши” дея улуғланган Навоийнинг таъбири билан айтганда:

*Камол эт касбким, олам уйидин-*

*Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.*

*Жаҳондин натамом ўтмак бияйних,  
Эрур ҳамомдин нопок чиқмоқ.*

Хулоса қилинганда бугунги матбуот саҳифалари тарихимизни англашда яхшигина мактаб вазифасини ўтамоқда. Драмаларга кўчган мавзуларда тарихий ҳақиқатни асл ҳолича тасвирлаш имкони яратилди. Бу эса умумхалқни ўтмиш сабоқларидан хабардор қилишнинг энг олий кўринишидир.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Қ. Йўлдош ва М. Йўлдошева. Бадий таҳлил асослари Тошкент. 2016.
2. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Т.:2008. 4-жилд
3. Толстой Л.Н Шекспир ва драма тўғрисида (Танқидий очерк). Рус тилидан О. Шарафиддинов тарж. Жаҳон адабиёти. 1998. 12 сон.